

Исломга қарши курашаётган экстремистнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ёпиб қўйилди



11:00 / 28.02.2019 2774

Ислом динига нисбатан кескин муносабатлар билдираётган Буюк Британия фуқароси Томми Робинсоннинг Facebook ва Instagramдаги саҳифалари ёпиб қўйилди, деб хабар беради ал-Араб ал-Жадид ахборот сайти.

Маълум бўлишича, Facebook аввал ҳам ундан бу ҳаракатларини тўхтатишини сўраб, агар бу ҳолат давом этадиган бўлса саҳифасининг ёпилиши ҳақида огоҳлантириш берган экан. Бироқ Робинсон мусулмонларга тажовуз қилиш, ҳалок этиш каби важлар билан қўрқитишда давом этган. Шу сабабдан ҳам Facebook маъмурияти унинг саҳифаларини расман ёпишга қарор қилган. Унинг Twitterдаги саҳифаси олдинроқ ёпилган эди. Ҳозирда у фақатгина You Tube каналидан фойдаланиши мумкин бўлади. Бироқ буни ҳам вақт кўрсатади.

Islom.uz